

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 27 (1351) • 2020 йил 7 июль

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

ҚҚС қўшимча ҳисобланганда
фойда солиғи қандай
ҳисобланади **2-бет**

ДИРЕКТОРНИНГ ШАХСИЙ
ХАРАЖАТЛАРИ

Корпоратив ПҚдан
харажатларнинг солиқ
оқибатлари **3-бет**

ХАР БИР БУХГАЛТЕР
БИЛИШИ ЛОЗИМ

Фойда солиғига доир
саволларга эксперт
жавоблари

4, 11-12-бетлар

Моддий ёрдам:
чегириладиган ва
чегирилмайдиган харажатлар

14-бет

Божхона почтаси:
экспорт-импорт
операциялари қоидалари

15-16-бетлар

КИМ ИНСОФЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ, КИМЛАР ҲУҚУҚБУЗАР?

Кенг жамоатчилик бу каби маълумотларни билишга ҳақли ва улар билан «Солиқ соҳасида жамоатчилик назорати» веб-порталида яқиндан танишиш мумкин.

– Марказимиз томонидан яратилган ушбу портал my2.soliq.uz электрон манзилида фаолият юритади. Унда 30 га яқин солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг тавсифи ва уларга белгиланган жавобгарлик тури, жарима миқдорлари батафсил акс этган, – дейди «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази мутахассиси Фаррух АҲМЕДОВ. – Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида солиқ сири ҳисобланмайдиган маълумотлар жойлаштирилган. ҚҚС тўловчилари, солиқлар ва бошқа йиғимлар бўйича қарздорлар, банкрот қорхоналар рўйхати ҳам тақдим этилган.


Инсофли солиқ тўловчилар ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлар рўйхати эса порталнинг энг асосий нукталаридан бири. Мазкур рўйхат таркиби ҳар куни порталда автоматик тарзда янгилаб борилади. Уни шакллантиришда ҳозирча тадбиркорлик субъектларининг фақат қарздорлик ҳолати эътиборга олинган. Келгусида солиқ тўловчиларни мазкур тоифаларга ажратишга асос бўладиган аниқ мезонлар сонини кенгайтириш режалаштирилган.

Агар вақтинчалик молиявий қийинчиликларни бошдан кечираёт-

ган ҳўжалик юритувчи субъектлари инсофли солиқ тўловчилар рўйхатида бўлса, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлар рўйхатидан ўрин эгаллаган тадбиркорлик субъектларининг эса инсофли солиқ тўловчилар сафига қўшилиши ёки ҳеч бўлмаганда ўз фаолиятига нисбатан муносабатини ижобий томонга ўзгартириши учун албатта, имконият бор.

Мутахассис фикрича, ушбу веб-портал орқали солиқ ҳуқуқбузарларини аниқлаш ва уларга қарши курашишда солиқ хизмати органларига яқин қўмакчига айланиши мумкин. Яъни, солиқ ҳуқуқбузарлигидан хабардор бўлган исталган шахс порталда қайд этилган «Ишонч телефони» ёки электрон ариза юбориш орқали бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига хабар бера олади. Бунда ҳуқуқбузар ташкилот номи (ёки фуқаронинг исм-шарифи), қайси ҳудудда жойлашгани, ҳуқуқбузарлик содир этилган манзил каби маълумотлар аниқ ва тўлиқ кўрсатилиши талаб этилади. Электрон ариза билан биргаликда ҳуқуқбузарликка оид

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ



фото, аудио ҳамда видеоматериал ёки бошқа ҳужжатли маълумотларни ҳам ҳавола этиш мумкин.

Фойдаланувчи ўзининг хабари билан боғлиқ ҳолда кечадиган барча жараёнлар – ҳуқуқбузарлик фактнинг тасдиқланиши, ҳуқуқбузарликка оид тушунтиришлар, (мавжуд бўлса) текширув натижаси, ҳуқуқбузарларнинг жарималари ҳақида хабардор бўлиб бориш имконига эга.

Демак, бу солиқ хизмати органлари ва жамоатчиликнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва ўз вақтида баргараф этишдаги биргаликдаги кураши бўлади.

ЎЗА материали асосида.

ДИҚҚАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштариоларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертампиздан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

- 1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;
- 2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;
- 3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бўйича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;
- 4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказлари)да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Нормальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;
- 5) «Рухна» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд кунлари билан қутлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – таълоғва кўра).

ҚЎШИМЧА БОНУСЛАР

обунани фақат имтиёзли давр – 2020 йилнинг 31 августига қадар расмийлаштирган обуначилар учун:

- 6) 2020 йилнинг сентябрдан декабрь ойига қадар «Norma» ўқув марказининг 1 та семинарида иштирок этиш;
- 7) «Norma» ўқув марказида 30 академик соат ҳажмида 1 та масофали курсда (танловга кўра) ўқиш учун сертификатга эга бўлиш (1 та обуна – 1 киши);
- 8) дастлабки 500 нафар обуначига – «Қўшилган қиймат солиғи» китобини олиш учун ҳуқуқ берилади (1 та обуна – 1 та китоб)

Қўшимча маълумотларни (0-371) 200-00-30 телефони ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин.

11-12-бетларда

ДИРЕКТОРНИНГ ШАХСИЙ ХАРАЖАТЛАРИ

? Директор корпоратив картадан пул тўлаб бензин сотиб олади, бироқ биронга ҳам автомобиль корхонамиз балансида турмайди. Ушбу сумма кейинчалик унинг иш ҳақидан ушлаб қолинмайди. Мазкур харид қандай солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин?

– Директор корпоратив картадан тўлов ўтказган ҳолда шахсий автомобилга сотиб олган бензин қиймати унинг учун моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади. Корхона солиқ агенти сифатида ушбу даромадга ЖШДС солиши лозим (СК 376-м. 1-қ. 1-б., 387-м. 1-қ. 2-б.).

Ходимнинг моддий наф тарзидаги даромадларидан ШЖБПХга ажратмалар олинади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси). Бироқ Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида (4-илова,

АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) фақат меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ШЖБПХга ажратмалар олиниши назарда тутилган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ижтимоий солиқ солинадиган объект ҳисобланади (СК 403-м.). Моддий наф тарзидаги даромадлар улар жумласига киритилмайди ва ижтимоий солиқ солинмайди.

Корхонанинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайди (СК 317-м. 3-б.).

ҚҚС БҲЙИЧА ИМТИЁЗЛИ АЙЛАНМА

? Корхона банк ташкилоти ёки суғурта компанияси ҳисобланмайди. СКнинг 268-моддаси 4-қисмига мувофиқ ҚҚС суммасини ҳисобга олишнинг мутаносиб усулини қўллайдиган солиқ тўловчи солиқ суммасини солиқ солинадиган айланма суммасининг товарларни реализация қилиш бўйича айланманинг умумий суммасидаги жорий календарь йил ичида ўсиб боровчи яқун билан аниқланадиган солиштирма микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқлайди. Бунда товарларни реализация қилиш бўйича айланманинг умумий суммаси солиқ солинадиган ва солинмайдиган айланмадан жамланади.

Ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасини аниқлаш учун реализация қилиш бўйича умумий суммага пул шаклида берилган қарз, у бўйича фоизлар, шунингдек пул шаклидаги мажбуриятларни бажарилиши назарда тутилган учинчи шахсларнинг кафиллиги киритиладими? Уларга нисбатан СКнинг 244 ва 245-моддалари қўлланиладими?

– Миллий валюта муомаласи, шу жумладан пул шаклида қарз бериш билан боғлиқ операцияларни амал-

га ошириш ҚҚС солиш, объекти ҳисобланмайди (СК 238-м. 3-қ. 4-б.).

Учинчи шахслар учун кафиллик

Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади (ФК 292-м. 1-қ.) – бу миллий валюта муомаласи билан боғлиқ операция.

Бунда кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тў-

лашни қарздордан талаб қилишга ҳақли (ФК 295, 297-м.).

Фоизлар ва мукофот кафил учун айланма ҳисобланади. СКнинг 244-моддасига мувофиқ улар ҚҚС солишдан озод этилган молиявий хизматлар жумласига киритилади (СК 244-м. 1-қ. 6, 7-б.). Бунда улар ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасини аниқлашда айланманинг умумий суммасига киритилади (СК 268-м.).

Пул шаклида тақдим этилган қарзлар, шунингдек улар бўйича фоизлар

Қарз шартномаси бўйича қарз берувчи қарз олувчига пул беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФК 732-м. 1-қ.) – бу миллий валюта муомаласи билан боғлиқ операция ҳисобланади.

Бунда қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган микдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади (ФК 734-м.).

Қарз бўйича фоизлар қарз берувчи учун айланма ҳисобланади. СКнинг 244-моддасига мувофиқ улар ҚҚС солишдан озод этилган молиявий хизматлар жумласига киритилади (СК 244-м. 1-қ. 6, 7-б.). Бунда улар ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасини аниқлашда айланманинг умумий суммасига киритилади (СК 268-м.).

Азизахон ТОШХҲАЕВА,
«Norta» МЧЖ эксперти.

✓ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ: ТАРТИБ, РАҒБАТ, НАТИЖА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ижроси бўйича Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Soliq» мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказиш усули ишлаб чиқилди. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар шу пайтга қадар вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш орқали фаолият расмийлаштирилган бўлса, эндиликда мазкур мобил илова орқали онлайн тарзда рўйхатдан ўтиб, қонуний фаолият кўрсатишлари мумкин бўлади.

Бунинг учун 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибда рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

Тушунарли бўлиши учун мисол келтирамиз. Кўпинча репетиторлик фаолияти яширин даромад манбаи сифатида қаралиб, айнан даромад солиғи тўланмаслиги учун эътирозларга сабаб бўлар эди. Қарор билан мазкур фаолият тури ҳам ўзини ўзи банд қилиш ҳисобланади. Репетиторлик қилаётган шахс «Soliq» мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтади.

Солиқ идорасида рўйхатга олинган репетитор 2020 йил учун ижтимоий солиқни базавий ҳисоблаш микдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди. Ўйиборлиси, ушбу маблағ одатдагидек бюджетга эмас, тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилиб, тўловчи шахснинг келгусида ҳисобланадиган пенсия микдорига таъсир этади. Пенсия яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда ҳисобланади. Демак, репетитор келажакда кўпроқ пенсия олишни истаса, белгиланган солиқни ўз ихтиёри билан кўпроқ микдорда тўлаши мумкин.

Мазкур қарор билан ўзини ўзи банд қилиш бўйича фаолият турлари 67 тага етказилди. Жумладан, қалитлар ясаш, чорва молларини ўтлатиш, уларга қараб туриш, жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва солаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш, велосипедни таъмирлаш, механизация воситаларини қўлламай бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари билан шуғулланувчи шахслар ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Ушбу амалиёт орқали минглаб фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилади, уларнинг келгуси пенсия таъминотида пойдевор қўйилади, боқимандалик қайфияти секин-аста йўқолиб, ишсизлик қисқаради. Деярли яқка тартибдаги тадбиркор мақомига тенглаштирилган ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадларини янада қўлайтириш устида излана бошлайдилар.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган мобил илова ўзини ўзи банд қилган шахсларни фақатгина рўйхатдан ўтказиш билан чегараланмасдан, буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш, юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш, мобил илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юри-тиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини, ишларини реклама қилиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Албатта, дастлабки вақтларда ҳамма ҳам ҳар ойда тўланадиган 111 минг 500 сўм ижтимоий солиқ (ижтимоий солиқни базавий ҳисоблаш микдорининг камида 50 фоизи)ни тўлашдан оғриниб, ўз фаолиятини қонунийлаштирмаслиги мумкин. Аммо бу иш – энг аввало пенсия таъминотини ўз қўли билан йўлга қўйилади, фаолият давлат ҳимоясида бўлади.

Яна бир муҳим жихат – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромад жисмоний шахсларнинг ями даромадлари таркибига киритилмайди.

Ўзини ўзи банд қилиш – бутунги кун тақозоси. Бу фаолият дунё микёсида ўзини оқлаган.

Шерали СУЛАЙМОНОВ,
Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси
жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.
ЎЗА.

ҲАР БИР БУХГАЛТЕР БИЛИШИ ЛОЗИМ

Май ойида «Norma» ўқув маркази 2020 йил учун обунани имтиёзли шартларда расмийлаштирган обуначилар учун фойда солиғи бўйича курс ўтказди. Курсни ўтказиш жараёнида тингловчиларда юзага келган саволларга «Norma» МЧЖ эксперти Наталья МЕМЕТОВА жавоб берди. Ушбу материалдан ўқувчиларимиз ҳам ўз саволларига жавоб топишлари ҳамда ундаги маълумотлардан фаоллият юритишда фойдаланишлари мумкин.

Ольга Гусева:

? Асосий воситалар ва бошқа активларни ҳисобдан чиқариш чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланадими?

– СКнинг 317-моддаси 34-бандига мувофиқ товар-моддий қimmatликларни ҳисобдан чиқаришдан қўрилган зарар чегирилмайдиган харажат ҳисобланади. ТМҚ – айланма активлар. Асосий воситалар улар жумласига киритилмайди.

? Асосий фаолият тури – бинони ижарага бериш. Бинони жорий таъмирлаш харажатларини бирийла харажатларга ҳисобдан чиқариш ва солиқ ҳисоботида акс эттириш мумкинми ёки махсус счётада жамлаш лозимми? Улар қандай ҳисобдан чиқарилади?

– Солиқ тўловчи томонидан бинони таъмирлаш учун қилинган харажатлар қайси ҳисобот (солиқ) даврида амалга оширилган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврида солиқ солиш мақсадларида ҳақиқий харажатлар миқдорида харажатлар жумласига киритилади (СК 309-м. 1-қ.).

Светлана Меньшикова:

? Норезидент СК бўйича Ўзбекистонда солиқ тўловчи сифатида ҳисобда туриши лозим бўлганлар тоифасига кирмаса, хизматлар импортига ҚҚС чегириладиган харажат ҳисобланадими?

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса, ҚҚС тўловчи ҳисобланади (СК 237-м. 1-қ. 3-б.).

Ўзбекистон реализация қилиш жойи бўлган товарлар (хизматлар) солиқ тўловчилар сифатида солиқ органларида ҳисобда турмаган чет эллик шахслар томонидан реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси солиқ агентлари томонидан аниқланади (СК 255-м. 1-қ.).

Динара Денисова:

? Ўтган даврларда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот реализация қилинган бўлса, ҳақиқатдаги аниқ турдаги харажатлар ҳисоботида қандай акс эттирилади?

– Муайян турдаги харажатлар суммасини қуйидаги формулалар бўйича аниқланг:

Реализация қилинган товарлар таннархидаги харажатлар = Ўтган даврда ишлаб чиқарилган товарлар таннархидаги харажатлар / Ўтган даврда ишлаб чиқарилган товарларнинг умумий таннархи х

Реализация қилинган товарлар таннархи ёки

Реализация қилинган товарлар таннархидаги харажатлар = Ўтган даврда ишлаб чиқарилган товарлар таннархидаги харажатлар / Ўтган даврда ишлаб чиқарилган товарлар миқдори х

Реализация қилинган товарлар миқдори ёки бухгалтерия ҳисобига қабул қилинадиган товарлар миқдори: Реализация қилинган товарлар таннархидаги харажатлар =

Асосий воситаларни ишчи ҳолатида саклаб туриш бўйича харажатлар, шу жумладан таъмирлаш харажатлари бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1.5.1.2-б.). Улар ижара хизматлари таннархига киритилади.

Норезидентнинг хизматлари сиз учун чегирилмайдиган харажат ҳисоблана ёки унга асосан хизматлар импортидан ҚҚСни ҳисобга олиш мумкин бўлмаган СКнинг 267-моддасининг бошқа бандлари қоидалари қоидаларига тўғри келса, хизматларнинг қийматида ҚҚСни ҳисобга олинг (СК 314-м. 1-қ.). Тегишсинча, хизматлар чегирилмайдиган бўлса, ҚҚС билан ҳисобга олинг.

Ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинган бўлса, ҚҚС харажат ҳисобланадими. Ҳисобга олинмайдиган ҚҚС реализация қилишдан ҚҚСни камайтиради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш даврида 2010-счёт субконто харажатлари бўйича дебет айланмаси /

маҳсулот ишлаб чиқариш даврида 2010-счёт бўйича умумий айланма х маҳсулотни реализация қилиш даврида 9100-счёт бўйича айланма.

Ушбу формулада маълумотлар маҳсулотлар (товарлар) номенклатураси субконто кесимида қўлланилиши лозим.

МИСОЛ. Ўтган даврларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархидаги моддий харажатлар суммасини аниқлаш
Ўтган даврда корхонада таннархи 10 000 минг сўм бўлган 1 000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Моддий ишлаб чиқариш харажатлари 6 000 минг сўмни ташкил этган.



Жорий ҳисобот даврида 700 бирлик маҳсулот реализация қилинган. Уларнинг таннархи 7 000 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даврида маҳсулотни реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган хом ашё ва материаллар қийматини аниқлаймиз: 6 000 / 10 000 х 7 000 = 4 200 минг сўм.

ёки
 $6\,000 / 1\,000 \times 700 = 4\,200$ минг сўм.
4 200 сўмлик суммани Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-«Харажатлар» иловасининг 020 ва 0101-сатрларига киритинг (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Светлана:

? Карантин даврида фирма фаолият юритмаган, маҳсулот ишлаб чиқармаган бўлса, ускуна амортизацияси қандай ҳисобланади?

– Фойдаланилмаган ускуна бўйича белгиланган тартибда ҳисобланган амортизация харажатлари фойда солиғини ҳисоблашда қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқадиган харажатлар сифатида чегирилди (СК 305-м. 4-қ. 3-б.). Бундай харажатларни бошқа операцион харажатлар жумласига киритинг (54-сон Низомнинг 2.3.26, 2.3.27-б.).

Ишлаб чиқариш ускунаси бўйича амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур ҳолатда амортизация факат ускуна ишлаганда ҳисобланади (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 6-параграфи).

Валерия Павлова:

? Ходим оливайи шароитига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътилга ариза ёзган бўлса, у тўлайдиган алиментлар қандай тўланади? Иш ҳақи ҳисобланмайдими. Мазкур ҳолатда фирма бирор-бир харажатларни ўз зиммасига олиши лозимми?

– Алиментлар ижро ҳужжатларига асосан қарздорнинг иш ҳақидан ва унга тенглаштирилаётган тўловлардан ушлаб қолинади («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддаси).

Иш ҳақи сақланмайдиган таътил туфайли қарздорга иш ҳақи ҳисобланмаслиги алиментлар корхона маблағлари ҳисобидан тўлаш учун асос бўла олмайди.

К.Абдурахмонова:

? Штат жадвали бўйича иш ҳақига қўшимча тўловлар чегирилмайдиган харажатларми?

– Штат жадвалида назарда тутилган иш ҳақига мунтазам қўшимча тўловлар рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар ёки компенсация тўловлари жумласига киритилади (СК 372, 373-м.).

Бундай харажатлар қуйидаги ҳолатларда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланиши мумкин:

- ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштирилган (жамоа шартномаси, штат жадвали, меҳнат шартномалари, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва ҳ.к.);
- қўшимча тўловлар тўланадиган ҳодимларнинг меҳнати солиқ солинадиган даромад олишга қаратилган бўлса (СК 304-м.).

Махфуза Хўжаева:

? Хусусий корхона муассисига дивидендлар солиқ чегирилган ҳолда тўланадими?

– Ҳа, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб хусусий корхона мулкдорига корхона тасарруфида қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади (СК 41-м. 4-қ.). Дивидендларга тўлов манбаида солиқ солинади (СК 343-м.). Дивидендлардан солиқ ставкаси – 5 % (СК 337-м. 1-қ. 11-б.).

ХК мулкдорига соф фойдани тўлаш чоғида 5%лик ставка бўйича солиқни ушлаб қолинг ва бюджетга тўланг. Дивидендлардан олинмаган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботида дивидендлар ҳисобланган ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай тақдим этишни ёддан чиқарманг (СК 345-м. 11-12-бетларда 5-қ.).

томонидан хатловдан ўтказиш «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 19-сонли БХМСга (руҳхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, солиқ тўловчининг сакланаётган ва савдо объектларида савдога чиқарилган товарларнинг кирим ҳужжатлари (ҳисоббарақ-фактуралар, юкхатлари, назорат-касса техникаси чеки ёки унга тенгшадиган бошқа ҳужжатлар) мавжудлиги текширилади.

45. Сайёр солиқ текшируви жараёнида, шунингдек, солиқ органида мавжуд маълумотларга асосан асосий восталар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар мавжуд эмаслиги аниқланиб, бу солиқ тўловчининг тилхати билан тасдиқланганда хатловдан ўтказиш амалга оширилмайди.

10-БОБ. ҲУЖАТЛАР ВА БУЮМЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ

46. Ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахснинг мазкур Низомнинг 5-иловасига** мувофиқ шаклда қабул қилинган қарор асосида амалга оширилади.

47. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

а) буюмларни олиб қўйиш – тегишли рухсатномаларсиз, қалбаки акция маркази билан ёки акция марказис ишлаб чиқарилган ёки сотилган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари аниқланган тақдирда;

б) ҳужжатларни олиб қўйиш: сайёр солиқ текширувини ўтказишда талаб қилинган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан тақдим этилиши рад этилганда ёки белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари етарли бўлмаса ҳамда солиқ органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, ўзгартрилиши ёки алмаштириб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида таҳмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса.

Ҳужжат ва буюмларни олиб қўйиш жараёни видеотасвирга туширилади.

Мазкур бандда назарда тутилмаган ҳолларда буюмларни олиб қўйиш тақиқланади.

48. Солиқ тўловчи фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади.

49. Сайёр солиқ текшируви жараёнида олиб қўйилган буюмларнинг ўзгартрилишига (товар тур, ҳажми, миқдори, қиймати ва бошқа ўзига хос белгилари) йўл қўйилмайди.

50. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни тунги пайтда (соат 23.00 дан 06.00 га қадар бўлган вақт оралиғида) олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

51. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш амалга ошириладиган шахслар иштирокида ўтказилади.

Зарур бўлган ҳолларда, олиб қўйишни амалга оширишда иштирок этиш учун мутахассис таклиф этилиши мумкин.

52. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш бошлангунига қадар сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс солиқ тўловчига ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

53. Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш амалга ошириладиган шахсга уларни ўз ихтиёри билан топширишни таклиф этади, таклиф рад этилган тақдирда эса, олиб қўйишни мажбурий тарзда амалга оширади.

Ўзига нисбатан олиб қўйиш амалга ошириладиган шахс олиб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва буюмлар сакланиши мумкин бўлган биноларни ёки бошқа жойларни очиндан бош торганда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс тамбаларга, эшикларга ва бошқа буюмларга зарурат сабабли юзга келмаган шикаст етказишдан қочи олиб қўйишни мустақил тарзда бажаришга ҳақли.

54. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва буюмларни олишда ушбу Низомнинг 6-иловасига** мувофиқ шаклда икки нусхада ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённоманинг бир нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдириб топширилади.

Солиқ тўловчи ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённомани имзолаш ва (ёки) олишдан бош торган ҳолларда ушбу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритилади ва солиқ тўловчига почта орқали бюрютма хат билан юборилади.

55. Солиқ тўловчи талаб қилинган ҳужжатлар ва буюмларни тақдим этишдан, биноларни ёки бошқа жойларни очиндан бош торган тақдирда, бу ҳақда сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан тузилган ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисида баённомада ёзув киритилади.

11-БОБ. САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

56. Сайёр солиқ текширувида солиқ тўловчи томонидан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахснинг ўз ҳудуди ва биноларига киришга тўқинчилик қилинган тақдирда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан мазкур Низомнинг 7-иловасига** мувофиқ далолатнома тузилади.

Бундай далолатнома асосида солиқ органи солиқ тўловчи тўғрисида ўзига мавжуд бўлган маълумотлар ёки ҳудди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли.

Далолатнома сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи қўрсатилган далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, мазкур далолатномага тегишли ёзув киритилади.

57. Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига** мувофиқ шаклда қатъий ҳисоба турадиган сайёр солиқ текшируви далолатномаси тузилади.

58. Сайёр солиқ текшируви далолатномаси икки нусхада тузилади ва солиқ органи мансабдор шахслари ҳамда солиқ тўловчи томонидан имзоланади.

Сайёр солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига далолатнома билан танишиб чиқиб, уни олганлиги ва санаси қўрсатилган имзоси орқали топширилади.

59. Солиқ тўловчи сайёр солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош торганда, ушбу далолатномага тегишли ёзув киритилади ва унинг нусхаси электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, далолатнома почта орқали бюрютма хат билан юборилади ва у жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

60. Сайёр солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун ёки унга юборилган кун солиқ текшируви якунланган кун деб ҳисобланади.

61. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари, текширув давомида расмийлаштирилган ҳужжатлар, эксперт ва мутахассислар ҳулосалари, сайёр солиқ текшируви давомида олинган материаллар, шунингдек, сайёр солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатларнинг бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар сайёр солиқ текшируви далолатномасига илова қилинади.

62. Сайёр солиқ текшируви давомида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда, аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш Солиқ кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади.

12-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

63. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

64. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Таъдиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Низомга 1–8-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»;

– «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР:

– ЎзР ДСҚнинг «Ўзбекистон республикасида товар-хон ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДСҚнинг «Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари қўрилмоқда ҳамда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишининг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил рўйбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин.

Белглаб қўйилсинки, Агентлик:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз фаолиятини қонунийлик, ҳолислик, ҳисобдорлик, очикилик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

2. Қўйидагилар Агентлиkning асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устак капиталда давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда **коррупцияга қарши ички назорат тизими** («комплаенс-назорат») ҳамда **коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш** ва самарали фаолият кўрсатишни ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, **уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илгор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишни ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари қўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда қўмақлашиш бўйича таъсирчан чораларни қўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг **халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар қўрилишини самарадорлиги юзасидан **социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни** ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятининг очилиғи ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорлиқни амалга ошириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган **Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани** тайёрлайди ҳамда уни қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи **жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади** ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат ман-

фаатларига етказилган зарар **тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни** амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи **Коррупцияга қабул қилиш миллий индексини** тузишни ташкиллаштиради;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси **ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини** қўллашни қўзда тутувчи талабни ўрнатади;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

4. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши бўйича боғлиқ **материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш**;

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш**;

жиноятни ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича муножаатларини қўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар қўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **коррупция ҳолатини ўрганиш**;

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилиғига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни **фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар қўриш, жумладан, жиноят ишларини қўзғатиш** учун ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий суриштирувлар ўтказиш**;

ижро ҳоқимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида **қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш**;

давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига **қўриб чиқилиши мажбурий бўлган** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантиришлар** ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини қўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритиш.

Агентлиқнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва муножаатлари ўн кун ичида **қўриб чиқилиши** ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши шарт.

5. Белгилансинки:

Агентлик ҳодимларининг таркиби юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Агентлиқнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахас-

**Қарорга 2-илова «СБХ»да берилмайд. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг давлат реестрига киритилганлиги;

назорат-касса техникасининг техник талабларга мувофиқлиги;
назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш қоидаларига риоя этилиши.

34. Назорат-касса техникалари ва ҳисоб-китоб терминалларини қўлланилишини савдо, умумий оқватланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита ўтказилган текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

Солиқ тўловчи томонидан бошқа солиқ тўловчига тегишли назорат-касса техникалари ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш ҳолати аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текшируви далолатномасига улардан олинган харид чеки нусхаси, ҳисоб-китоб терминалнинг русуми ва завод рақами тўғрисидаги маълумот ҳам киритилади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида қўлланилиши рухсат этилган физикал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрига ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг давлат реестрига киритилмаган ёхуд бошқа солиқ тўловчига тегишли бўлган, шунингдек, физикал хотирага хизмат кўрсатувчи дастурий маҳсулот (версия) бузилган назорат-касса техникаси мавжудлиги аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённома тузилади ҳамда ушбу назорат-касса техникаси вақтинча олиб қўйилади.

6-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИСОБОДАГИ ВА ҲАҚИҚИЙ СОНИ МУВОФИҚЛИГИ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШ

35. Солиқ тўловчи ходимларининг хисоботидаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингнинг амалга ошириш қўйдағилардан иборат:

барча объект ва ҳудудларда ҳақиқатда фаолият юритаётган ходимларни аниқлаш;

мазкур Низомининг 4-илловасига** мувофиқ шаклда аниқланган ходимларнинг рўйхатини (бундан буён матнда рўйхат деб юритилади) тузиш.

Солиқ тўловчи ходимларининг хисоботидаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторинг солиқ тўловчининг (вакилининг) иштирокида амалга оширилади.

36. Рўйхатда кўрсатилган ходимлар солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади.

Бунда, рўйхатнинг тегишли устунига ходимларнинг солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида «мавжуд» ёки «мавжуд эмас» белгиси киритиб борилади.

37. Солиштириш натижасида сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс рўйхатга киритилган ва солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида мавжуд бўлмаган ходимлар, уларнинг ишлаш даври ҳамда олаётган иш ҳақи тўғрисида солиқ тўловчидан тушунтиришлар олади.

38. Рўйхат сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи рўйхатни имзолашдан бош тортган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан рўйхатнинг пастки қисмига бу ҳақида ёзув киритилади.

39. Яъна тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларнинг солиқ органларида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжудлигини текшириш натижасида аниқланган ҳолатлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

7-БОБ. БОЗОРЛАР, САВДО КОМПЛЕКСЛАРИ, УЛАРГА ТУТАШ БЎЛГАН АВТОМОБИЛЬ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГАГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ

40. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш қўйдағилардан иборат: бир марталик йиғимлар ундирилиши, ундирилган йиғимларнинг назорат-касса техникаси хотирасига киритилиши ва банкка топширилишини назорат қилиш;

Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида сотувчи ва хариддорларга кўрсатилган хизматлар учун тўлов-

ларнинг ҳамда бино ва иншоотларни, шунингдек, буюмларни ижарага бериш бўйича ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини текшириш;

савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бажарилишини текшириш.

41. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш натижаси бўйича аниқланган ҳолатлар, шу жумладан, солиқда оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

8-БОБ. САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ

42. Солиқ тўловчида савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш қўйдағиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилганлиги;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш жойларида уларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга сотишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги оғохлантирувчи ёзув жойлаштирилганлиги; савдо шохобчасида сотувчи – юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар, яъни корхонанинг номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили ва иш режими), агар сотувчи яъна қартидаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва рўйхатдан ўтказган органнинг номи тўғрисидаги маълумотлар харидорлар танишиши учун қулай тарзда жойлаштирилганлиги;

агар сотувчи амалга оширадиган фаолият лицензияланиши керак бўлса, у лицензиянинг тартиб рақами ва амал қилиш мuddати тўғрисидаги, шунингдек, уни берган орган ҳақидаги маълумотлар харидорлар танишиши учун қулай тарзда жойлаштирилганлиги;

сотувчи товарнинг номи, унинг сорти, маркази, модели, тип, товарнинг оғирлиги, ўлчами ёки бirlлигига нархи кўрсатилган ҳолда сотиладиган товарларнинг ягона намунадаги ва аниқ расмийлаштирилган нархномалари бўлишини тасмийланганлиги;

қimmatбаҳо металллар ва қimmatбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар билан савдони амалга оширадиган сотувчи томонидан қimmatбаҳо металллар ва қimmatбаҳо тошлардан ясалган буюмларни сотиш қоидаларига риоя этилиши, заргарлик буюмларининг асслик даражаси белгиланганлиги ва тамгаланганлиги, шунингдек, қирим қилинганга контрафакт маҳсулотларнинг сотилиши ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

қimmatбаҳо металллар ва қimmatбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари парчаларини, улардан тайёрланган буюмларни, шунингдек, қimmatбаҳо ва ярим қimmatбаҳо тошларни сотиб олиш пунктларида қimmatбаҳо металллар ва қimmatбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар, қimmatбаҳо ва ярим қimmatбаҳо тошларнинг чакана савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқи учун берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси мавжудлиги, товарларни ҳисобга олиш ва пул операцияларини юритиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши;

маиший электр приборларининг техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида энергия самардорлигининг тегишли класс тўғрисидаги ахборотларнинг мавжудлиги; сотиладиган товарларнинг нархи кўрсатилган нархномаларга эгалиги;

умумий оқватланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларига риоя этилиши;

чакана савдо ва (ёки) умумий оқватланиш шохобчасида алкоголь маҳсулотлари савдоси учун рухсат гувоҳномалари мавжудлиги ва шохобчанинг рухсат бериш шартларига мувофиқлиги.

43. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

9-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИДАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, ТОВАР-МОДИЙ БОЙЛИКЛАР, ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ (СОЛИҚ АГЕНТЛАРИ) ТОМОНИДАН ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ

44. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи (солиқ агентлари)

23. Хронометраж кузатуви куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида:

хронометраж кузатуви бошланишида солиқ тўловчининг пулли ҳисоб-китобларини амалга оширишдан тушган пуллари сақлаш учун мўлжалланган кассаларидаги (бундан бўён матнда солиқ тўловчининг кассалари деб юритилади) мавжуд нақд пул қолдигини назорат-касса техникасининг қўллик ҳисоботи билан солиштириш ва ижобий фарқ суммасини солиқ тўловчи (унинг вакили) томонидан назорат-касса техникасининг хотирасига киритилишини талаб қилиш;

савдо ва (ёки) хизмат кўрсатишдан тушган пул маблағларининг тўлиқ назорат-касса техникаси хотирасига киритилиши ёки тўлов терминалларидан тўлиқ фойдаланилиши, харидорларга (миқдорларга) харид чеки берилишини назорат қилиб бориш;

реализация қилинган товарлар ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш ҳамда қўллик пул маблағлари тушумини кузатиш ва қайд этиш;

хронометраж кузатуви якунида назорат-касса техникасидан «З» ҳисобот чиқариш ва маълумотнома илова қилиш;

хронометраж кузатуви якунида солиқ тўловчининг кассаларидаги мавжуд қўллик пул тушумини билан қайд этиш варақасидаги тушумлар миқдори ўртасида ижобий фарқ суммасини назорат-касса техникасининг хотирасига киритилишини талаб қилиш;

маҳсулотларнинг ҳисоб ҳужжатларидаги (ҳисобварақ-фактура-лар, юкхатлари, назорат-касса техникаси чеки ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар) нархлари ҳамда сотиш нархларини тақдирлаш;

солиқ тўловчининг даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш;

б) ишлаб чиқариш соҳасида:

ишлаб чиқариш учун сарфланаётган товар хом ашёлар (ярим тайёр маҳсулотлар) ҳажмини, ишлаб чиқариш ускуналарининг соини ва уларнинг қувватларини қайд этиш;

ишлаб чиқариш қувватлари учун сарфланаётган табиий ресурслар (газ, электр энергияси, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқлигини аниқлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва миқдорини аниқлаш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш усуллари аниқлаш ва жараёнини қайд этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи, сотиш нархи, сотилган ҳажмда омондороналаридаги тайёр маҳсулотлар миқдорини аниқлаш;

хронометраж кузатуви натижасида аниқланган солиқ тўловчининг ҳақиқатдаги даромадлари, уларнинг шаклланиш манбалари ва харажатларини қайд этиш.

24. Хронометраж кузатуви натижаси бўйича ушбу Низомнинг 1-иловасига** мувофиқ икки нусхада баённома расмийлаштирилади. Баённоманинг бир нусхаси солиқ тўловчига баённома нусхасини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади. Бунда баённомага имзоланган ва (ёки) унинг бир нусхасини олишдан солиқ тўловчи бош торган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённомага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади.

5-БОБ. НАЗОРАТ КАССА ТЕХНИКАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТЕРМИНАЛЛАРИ ҚўЛЛАНИЛИШINI ТЕКШИРИШ

25. Назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш назорат хараидини амалга ошириш йўли билан ва (ёки) савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита текширув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

26. Назорат харида назорат-касса техникалари ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларидан харидорларга касса чеки берилиши, банк карталари орқали тўловлар қабул қилиниши ҳамда нақд пул маблағлари ва банк карталари орқали амалга ошириладиган тўловлар шаклига қараб нархлар сўнғий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши ҳолатлари мавжудлигини текшириш мақсадида амалга оширилади.

27. Назорат хараидини амалга оширишда қуйидагилар жалб қилиниши мумкин:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида мурожаат этган жисмоний шахс (юрidik шахснинг ишончли вакили); «Холис харидор» хизматини кўрсатувчи юрidik шахс вакиллари;

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари.

28. Назорат хараидини амалга оширган шахслар томонидан назорат хараидида кузатилган ҳолатлар бўйича маълумотлар (ҳужжатлар, предметлар) харид якунланиши билан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга тақдим этилади.

29. Ўтказилган назорат харида натижаси бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига** мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади ва сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс, назорат хараидини амалга оширган шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади.

Назорат хараидини ўтказиш баённомасининг бир нусхаси солиқ тўловчига баённома нусхасини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади. Бунда назорат хараидини ўтказиш баённомасини имзоланган ва (ёки) унинг бир нусхасини олишдан бош торган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённомага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади.

30. Назорат хараидини ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва қўзда тутишга харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек, қўнун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс назорат хараидини ўтказиш учун нақд пул маблағларини тегишли солиқ органи кассасидан олади.

Нақд пул маблағларини сайёр текширувини ўтказиш учун мансабдор шахсга беришда уларнинг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, қиймат касса ордерига илова қилинади. Бунда пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга берилади.

31. Сайёр солиқ текшируви якунлангандан сўнг, назорат хараидини ўтказишда фойдаланиш учун олинган нақд пул маблағлари бир йил кўни ичида тегишли солиқ органи кассасига тўлиқ топширилади. Пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси кирим касса ордерига илова қилинади.

Сайёр солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчига тегишли шохобча кассаларида мавжуд нақд пул қолдиги санокдан ўтказилиб, назорат-касса техникаси хотирасига киритилган нақд пул суммаси билан солиштирилади ва натижаси бўйича ушбу Низомнинг 3-иловасига** мувофиқ нақд пул қолдигини санокдан ўтказиш далолатномаси тузилади.

32. Назорат харида ўтказилиб, ўзаро ҳисоб-китоблар якунланган, назорат хараидини ўтказишда фойдаланилган пул маблағлари текширилган солиқ тўловчи (унинг вакили) томонидан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга, харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг натижалари (назорат харида предметлари) эса, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан солиқ тўловчига (унинг вакили) қайтариб берилиши шарт, бундан қайтариш имкони бўлмаган ҳақда қўнун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилиши лозим бўлган назорат харида предметлари мустасно.

33. Солиқ органлари назорат-касса техникалари ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита текшириш мумкин. Бунда текшириш қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

қўнун ҳужжатларида мувофиқ назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминали билан жиҳозланганлиги, шу жумладан, уларнинг солиқ тўловчи номига ва объект манзили бўйича расмийлаштирилганлиги;

назорат-касса техникалари тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рўқсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрига

**Низомга 1–8-иловлар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

сислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўқўқи муҳофаза қўлуви органлар, ўшлаб турилганларни ва қомоқда олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳўжатлар билан танишишга ҳўқўқи;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалари бўйича норматив-ҳўқўқий ҳўжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозим.

6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва унинг ҳўдудий идораларо комиссиялари **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** (кейинги ўринларда – Миллий кенгаш) ва унинг ҳўдудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Агентлик Миллий кенгаш фаолиятини самарали ташкилий-услувий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, давлат ҳўқимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишини таъминласин.

7. Агентлик уч ой муддатда:

Агентликни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қўдир шахслар орасидан тўлдирлишини;

Агентлик фаолияти ташкил этилишини тартибга солуви ҳўжатлар пакети, шу жумладан, Агентлик тўзималари тўғрисида низомлар ва ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликни ҳўдимлар билан тўлдирish конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ҳўдимлар ишдан ажратилган ҳўлда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ўрганишини қамраб олувчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олади.

8. Агентлик:

а) Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳўлда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин;

б) давлат харидлари соҳасида маъсулиятини ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қўнони талабларини, шу жумладан, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижронини тапнаш шартларини бузганлик учун жавобгарлиқни қучайтириш;

давлат харидлари доирасида тўзилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, шунингдек, давлат харидла-

рини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳўлда фақат электрон шаклда амалга ошириш тартибини жорий этиш бўйича тақлифларни киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банки ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, уй-жой коммунал ҳўжалиги, сув ҳўжалиги, қурилиш ва энергетика соҳаларида давлат харидлари, давлат мулкни бошқариш ва ундан фойдаланишда қўнон ҳўжатларига риоя этилиши ҳўлати бўйича ўрганиш ўтказсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда доимий асосда давлат харидларида аффилиланганлик, шу жумладан, харидлар иштирокчиларининг охириги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказсин.

9. Агентлик зиммасига:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳарақатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминласин;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ўшбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси миллий координатори** вазифа ва ваколатлари юклатилсин.

10. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

давлат ҳўқимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ўшбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи **«E-Anticor.uz» электрон платформаси**;

коррупция ҳўлатлари ҳўқида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминот;

Агентликка давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

11. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳўлда:

икки ой муддатда – **Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси»** ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаб бўйича республика кенгашига киритилишини;

уч ой муддатда – **«Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисидаги», «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳўқўқий ҳўжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қўнон лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;**

уч ой муддатда – **Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қўнончилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича «Йўл харитаси»** ишлаб чиқилишини ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Миллий кенгашга киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Агентлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар, шу жумладан, биноларни таъмирлаш, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш учун ўрнатилган

**Фармонга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳўжжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

тартибда маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Агентликини жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдир кiritсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда унга ҳар томонлама кўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий те-

лериодиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар чоп этилишини ва тематик телекўрсатувлар бериб борилишини ташкил этсин.

16. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақдирларни киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 29 июнь
ПФ-6013-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) тузилмаси иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 та штат бирлиги миқдоридан белгиланиб, улардан 10 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, 40 та штат бирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

Агентлик директори бошқарув ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлиكنинг тузилмасига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазирга, директор ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентлик директори ўринбосарлари Агентлик директори тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик ходимлари директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, уларга эгаллаган лавозими ва иш стажига мувофиқ, шунингдек, аввалги иш жойида берилган ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик мартабалар) ҳисобга олинган ҳолда (мавжуд бўлганда) мартаба даражалари берилса;

Агентликда ишлаган давр ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади ҳамда уларни Агентликда ишлаш даврида бериш олдинги иш жойи бўйича назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

3. Агентлик ходимларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилсин.

4. Агентлик уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Агентлик ходимлари учун халқаро ташкилотлар ва етакчи хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш органларида стажировка ўташ ва тажриба алмашиш графигининг хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқишини ва тасдиқлишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси билан биргаликда Агентлиكنинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Агентлик фаолиятини, шу жумладан коррупцияга оид жиноятлар бўйича давлат фойдасига қаратилган маблағлар ва қайтарилган активлар ҳисобидан молиялаштиришнинг шаффоф механизмларини жорий этиш юзасидан тақдирларни киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Агентлиكنинг юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини, шунингдек, зарур алоқа, жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 29 июнь
ПҚ-4761-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Солиқ органларининг ходимлари ҳолислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайд.

2-БОБ. САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШДА СОЛИҚ ОРГАНИ МАНСАБДОР ШАХСИНING ҲАМДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Солиқ органларининг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

солиқ тўловчининг сайёр солиқ текширувига тааллуқли маълумотлари ва ҳужжатларини ўрганиши ҳамда ушбу ҳужжатлардан солиқ органи ҳисобидан нусха олиш;

солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия, товарлар (хизматлар) ҳаракати ҳисобини юритишда фойдаланилаётган дастурий таъминотлардаги маълумотлар билан танишиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда улардан солиқ органи ҳисобидан нусха олиш;

солиқ тўловчининг ҳудудини, ишлаб чиқариши, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларини, шу жумладан, солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёки солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни қўздан кечириш ҳамда фото ва видеоасвирга тушириш;

моп-мулкларни хатловдан ўтказиш; текширувга мутахассислар, экспертлар, таржимон, ҳолисларни жалб этиш ҳамда улардан тегишли хулосалар, таржималар ва кўрсатмалар олиш;

ишлаб чиқарилаётган ҳамда реализация қилинаётган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш;

ҳисоб-китобларни амалга оширишда савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига риоя этилишини, шунингдек, назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилишини текшириш;

солиқ тўловчи томонидан солиқ органларининг мансабдор шахсларини сайёр солиқ текшируви ўтказилаётган ҳудуд ва (ёки) бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилинганда, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўриш;

солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш.

12. Солиқ органларининг мансабдор шахслари қуйидаги мажбуриятларга эга:

солиқ текшируви бошлангунига қадар (назорат касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текширишда – текширув жараёнида) солиқ тўловчини ёки унинг вакилини сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш ва буйруқ нусхасини уни олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда тақдим этиш;

солиқ тўловчини ёки унинг вакилини текширув мақсади билан таништириш, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини беришчи махсус гувоҳномани кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектида «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» мавжуд бўлган ҳолларда, унинг электрон ёки қўғоз шаклини тўлдириш;

сайёр солиқ текширувини ўтказиш вақтида солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, текширув устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки тадбиркорлик субъектларининг бошқа тегишли бирлашмаларини жалб қилишга ҳақли эканлигини тушунтириш;

ўтказилган текширув натижалари билан солиқ тўловчини таништириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга солиш ягона тизимига киритилишини таъминлаш;

ўз ваколатлари ва текширув буйруғида белгиланган текширув мақсадлари доирасидан чиқмаслик.

Солиқ органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

13. Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини олиш, ходимларнинг хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини беришчи махсус гувоҳномаси билан танишиш;

сайёр солиқ текширувини ўтказиш жараёнида вақил орқали ёки шахсан иштирок этиш;

сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсдан «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг электрон ёки қўғоз шаклини тўлдиришни талаб қилиш, тўлдиришдан бош тортган тақдирда эса – ўзининг ҳудуди ва биноларига киришга йўл қўймаслик; сайёр солиқ текшируви жараёнини фото ва видеотасвирга олиш;

сайёр солиқ текшируви материаллари билан танишиш ва нусха олиш;

сайёр солиқ текширувини амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш;

сайёр солиқ текшируви материалларини қўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

ўз манфаатларини шахсан, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ёки бошқа вакиллари орқали ҳимоя қилиш.

Солиқ тўловчилар Солиқ кодекси ва солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

сайёр солиқ текширувини ўтказаятган солиқ органларининг мансабдор шахсларига текширув билан боғлиқ ҳужжатлар, шунингдек, электрон манбаларда сақланган тегишли ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаш;

солиқ органларининг текшириш билан боғлиқ қонуний талабларини бажариш, улар мансабдор шахсларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик.

Солиқ тўловчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-БОБ. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

15. Солиқ солиш объектларини аниқлаш солиқ органларида мавжуд бўлган солиқ солиш объекти ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш мақсадида ўтказилади.

16. Солиқ солиш объектларини аниқлаш бўйича қуйидагилар текширилади:

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, фаолият тури ва жойининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги; кўчмас мулкка ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, кадастр ҳужжатлари, ижара шартномалари мавжудлиги.

17. Солиқ солиш объектларини аниқлаш бўйича ўтказилган текширув натижасида олинган маълумотлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

4-БОБ. ХРОНОМЕТРАЖ КУЗАТУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

18. Хронометраж кузатувлари солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари ёки фаолият турлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳақиқатдаги даромадлари ҳамда уларнинг шаклланиш манбалари ва (ёки) харажатлари, шунингдек, солиқ режимини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

19. Хронометраж кузатуви солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатмасдан кўнлик иш режимини тўлиқ қамраб олган ҳолда, жойлашган жойидан қатъи назар барча объектларида бир вақтнинг ўзига ўтказилади.

Хронометраж кузатуви солиқ тўловчи (вакили) иштирокида ўтказилади.

20. Хронометраж кузатуви солиқ тўловчиларнинг текширувгача тасдиқланган иш режимидан келиб чиқиб, етти иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўтказилади.

21. Солиқ органи солиқ тўловчининг бошқа ҳудудлардаги объектларида хронометраж кузатуви ўтказиш юзасидан объект жойлашган ҳудудий солиқ органига хронометраж кузатуви бошланишидан камида бир кун олдин ўтказиладиган хронометраж кузатувининг аниқ санасини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Бунда, хронометраж кузатуви натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотлар кузатув ақунланганидан сўнг солиқ тўловчи жойлашган ҳудудий солиқ органига бир иш кун ичида юборилиши шарт.

22. Хронометраж кузатуви жараёнида солиқ тўловчининг амалдаги даромадлари ва харажатларини ҳамда солиқ режимини аниқлаш мақсадида мутахассислар жалб этилиши мумкин.

САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3247

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 139-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Ш.КУДБИЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май
2020-16-сон.

ЎЗР ДСҚнинг 2020 йил 18 майдаги 2020-16-сон қарорига
ИЛОВА

САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) мувофиқ сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомада куйдаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сайёр солиқ текшируви – солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини текшириш;

хронометраж кузатуви – хронометраж ўтказиладиган даврда тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларини, пул тушуми суммаларини, ишлаб чиқариш ва товарларни (хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган, товарларни (хизматларни) ҳақиқий реализация ҳажмларини аниқлашга доир тадбир.

2. Солиқ органлари сайёр солиқ текшируви доирасида куйдагиларни амалга оширади:

солиқ солиш объектларини аниқлаш;

хронометраж кузатувларини ўтказиш;

назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш;

солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингинг амалга ошириш;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобил воситаларининг тўхташ жойларида солиқ қонунчилигига риоя этилишини текшириш;

савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш;

солиқ тўловчидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи (солиқ агентлари) томонидан ҳатловдан ўтказишни талаб қилиш.

3. Сайёр солиқ текширувида ҳисобга олиш ҳужжатларининг, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчилардан сайёр солиқ текшируви предметиға алоқаси бўлмаган ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилишга йўл қўйилмайди.

4. Сайёр солиқ текшируви ўн иш кунигача бўлган муддатда ўтказилади.

5. Сайёр солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ органлари томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Бунда, сайёр солиқ текшируви натижаси бўйича олинган ҳужжатлар ва ахборотлар камарал солиқ текширувини ўтказишда фойдаланилиши мумкин.

6. Сайёр солиқ текшируви куйдаги асослар бўлганда ўтказилади:

«Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлмаган солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) фаолиятидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда; жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида муқожаатлар келиб тушганда, бундан аноним муқожаатлар мустасно;

оммавий ахборот воситаларида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

камарал солиқ текшируви жараёнида аниқланган тафовут ва хатоларни солиқ органи жойлашган жойдан ташқарида ўрганиш зарурати юзга келганда.

7. Сайёр солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади. Буйруқда солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, текширувни ўтказиш муддати ва мақсади кўрсатилади.

Сайёр солиқ текшируви ўтказиш учун солиқ органининг икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслари жалб этилган тақдирда, буйруқда бир нафар ходим текширишда вазифаларни тақсимлаш бўйича гуруҳ раҳбари этиб белгиланади.

8. Ўтказиладиган сайёр солиқ текширувлари Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тўлдирилганидан сўнг ўтказилади.

Сайёр солиқ текшируви далолатномасига «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда – электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилганда – унинг тақдим этилганлиги тўғрисида текширувчи томонидан тегишли ёзув киритилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс «Текширувларни рўйхатга олиш китобини» тўлдиршидан бош торган тақдирда, солиқ тўловчи ўзининг сайёр солиқ текширувидан ўтказилишига йўл қўймайди.

Ўтказилган текширувларнинг натижалари солиқ органлари томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

9. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган сана ушбу текширувини ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади.

10. Сайёр солиқ текшируви жараёнида солиқ органи Солиқ кодексининг 145 ва 148-моддаларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг бинолари ва ҳудудлари кўздан кечиришга ҳамда ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишга ҳақли. Бунда, ушбу тадбирлар ҳолислар иштирокида амалга оширилади.

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан кучга кирди.

**БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ
ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА***

Фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмасдан турган нотурар объектлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик):

Агентлиkning Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» давлат унитар корхоналари негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ташкил этиш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларини (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ташкил этиш;

Агентлик тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари – Бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ташкил этиш маркази директори (кейинги ўринларда – Марказ директори) лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини (кейинги ўринларда – бўш турган объектлар) аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш;

ижарага берилган давлат мулки объектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;

ижарага берилган давлат мулки объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

давлат муассасалари (корхоналари)га бириктирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиш ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;

давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисминини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳулосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига қўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

Марказ давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида барча давлат органларидан, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраб олишга ҳақли.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ташкил этиш марказининг марказий аппарати тузилмаси 1-шлювага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар:

Марказнинг бошқарув ходимлари чекланган сони 309 нафар, шу жумладан, марказий аппарат бошқарув ходимлари сони – 22 нафар этиб;

Агентлиkning Бўш турган давлат объектларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш ташкил этиш бошқармаси тугатилиб, унинг 8 та штат бирлиги Марказга ўтказилиши;

Марказнинг марказий аппарати моддий-техник таъминоти ва 9 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилиши;

ҳудудий бошқармаларнинг 287 нафар бошқарув ходими штат бирлигини, шунингдек, марказий аппаратнинг 13 нафар бошқарув ходими штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

Белгилансинки, Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимлари, тўлов манбаларидан қатъи назар, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Марказ директорида Агентлик директори билан келишилган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларга бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирикларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Марказ ва ҳудудий бошқармалар фаолиятини (ҳодимларнинг иш ҳақи, муқофотлар, устамалар ва бошқа тўловлар) молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; давлат мулки объектлари ижарасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тушадиган маблағлар;

Агентлиkning ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари; қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Марказ Агентлиkning тугатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» давлат унитар корхоналарининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномавий муносабатлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

бўш турган объектлар тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан автоматлаштирилган тизим орқали тегишли давлат органларидан олинади;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимлари ўз ваколатлари доирасида бўш турган объектларга тўққинликсиз киради ва қўздан кечиради. Бунда, хусусий мулк объектларига кириш ва уларни қўздан кечирish Текширувларни электрон рўйхатда олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибиди амалга оширилади;

Марказ ва ҳудудий бошқармаларга тегишли давлат мулки объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказ ҳисобидан, пул маблағлари мавжуд бўлмаганда Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

Марказ бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича қўрилаётган чоралар тўғрисида ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради;

бўш турган объектлар тўғрисида маълумотлар (объект тўғрисидаги қисқа маълумот, геопокация жойлашуви ва бошқалар) Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва ҳар ойда янгиланган борилади;

белгиланган тартибда тузилган фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва фойдаланилмаётган объектларни хўжалик

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.07.2020 йилдан қуча қирди.

**Қарорва 1–2-шлювалар «СБ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотат» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

фоалиятига жалб этиш бўйича ишчи гуруҳлар ҳудудий бошқармаларга ҳафталик ахборот киритиб боради;

ҳудудий бошқармалар ходимлари туман (шаҳар)ларнинг ҳар бир маҳалласига бириктирилади ҳамда ваколати доирасида маҳалла ҳудудида жойлашган бўш турган объектларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этади;

бўш турган давлат мулки объектлари, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида Марказ ва ҳудудий бошқармаларга топширилади;

бўш турган объектлар рўйхати Марказ томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига киритиб борилади;

Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳўжалик корга тузичи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) барча аукцион савдолари натижалари QR-код (матрикс штрихли код)ни кўллаш орқали расмийлаштирилади;

б) «E-IRO AUCTION» тизимида куйдагиларни назарда тутиш тартиб жорий қилинади:

«мобиль идентификация қилиш» билан шахсни идентификациялаш имконини берувчи мобиль иловалар орқали аукционда иштирок этиш;

давлат мулки объектларини ижарага бериш шартномасини ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) икки томонлама тузиш орқали расмийлаштириш;

савдоларда мавжуд бўлган лотлар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи доимий янгиланиб турадиган ва Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган электрон каталогни яратиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси доимий равишда бўш турган объектларни аниқлаб, уларни Марказ ва ҳудудий бошқармаларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиб бериш чораларини кўрсин.

8. Агентлик бир ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

Марказ ва ҳудудий бошқармаларни замонавий техника билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар зиммасига юклатилган вазифалар юзасидан судларга киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бинолардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси негизида давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш дирекциясини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарор иқросини таъминлаш доирасида Марказнинг харажатлари учун 2020 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Марказга хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 3 та, шу жумладан, 2 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мурожаатига асосан уни ўрнатилган тартибда ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 1 июль
ПҚ-4771-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA DAVLAT SOLIҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA TOWAP-XOM AШЕ BИРЖАЛАРИДА OПЕPAЦИЯЛАРНИ АМАЛГА OШИРУВЧИ ВА (ЁКИ) TАШКИЛЛАШТИРИЛГАН CAВДOЛАРДА ЖАМИЯТЛАРНИING AKЦИЯЛАРИНИ COTИБ OЛАДИГАН (COTАДИГАН) HОРЕЗИДЕНТ БЎЛГАН ЮРИДИК ШАХCЛАРНИ СОЛИҚ OРГАНЛАРИДА ҚИCОБГА ҚЎЙИШ TАРТИБИ TЎГРИСИДАГИ НИЗОМНИ TACДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақам 3245

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси
Ш.КУДБИЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май
2020-19-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан қучга қирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИДА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВА (ЁКИ) ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН САВДОЛАРДА ЖАМИЯТЛАРНИНГ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛАДИГАН (СОТАДИГАН) НОРЕЗИДЕНТ БЎЛГАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикасида товар-хон ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахслари (бундан буён матнда биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар деб юритилади) солиқ органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар биржа савдоларида ташкил этувчи жойлашган жойдаги солиқ органида солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган ҳолда ҳисобга қўйилади.

2. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслари солиқ органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бепул амалга оширилади.

2-БОБ. БИРЖА САВДОЛАРИДА ҚАТНАШУВЧИ НОРЕЗИДЕНТ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҲИСОБГА ҚЎЙИШ

3. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар биржа савдоларида қатнашувчидан олдин солиқ органида ҳисобга қўйиш тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига** мувофиқ шаклда ариза;

б) ўзи таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг давлат тилига таржима қилинган асл нусхаси ёхуд нотариал тарзда тасдиқланган нусхаси (солиқ тўловчининг хос рақами кўрсатилган ҳолда);

в) ваколатли шахсининг фуқаролик паспорти нусхаси;

г) ваколатли шахсининг норезидент юридик шахс номидан Ўзбекистон Республикасида ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ишончноманинг ёки бошқа ҳужжатнинг (улар мавжуд бўлган тақдирда) давлат тилига таржима қилинган асл нусхаси ёхуд нотариал тарзда тасдиқланган нусхаси.

Бунда, биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар томонидан ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ҳужжатлар солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

4. Солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобга қўйишда мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

5. Солиқ органлари биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар асосида ҳисобга қўйиш учун ариза берилган кундан эътиборан уч иш кунини ичида ҳисобга қўйиш шарт.

6. Ҳисобга қўйиш учун тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлмаганда солиқ органлари томонидан бу ҳақда ариза берувчида ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунини ичида хабардор қилинади.

7. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими

орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

8. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсга солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига** мувофиқ шаклда қўйишга асосланади.

9. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларнинг ҳисоб маълумотлари ўзгарганда, норезидент юридик шахснинг ваколатли шахси томонидан бундай ўзгаришлар юзга келган кундан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахс томонидан солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 3-иловасига** мувофиқ шаклда ариза тақдим этилади.

10. Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахснинг ҳисоб маълумотларига уч иш кунини ичида тегишли ўзгаришлар киритилади.

3-БОБ. БИРЖА САВДОЛАРИДА ҚАТНАШУВЧИ НОРЕЗИДЕНТ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар товар-хон ашё биржалари ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда ўз фаолиятини тўлиқ тугатиб, банк ҳисобварақларини ёлғандан сўнг, ўн беш календарь кундан кечиктирмай солиқ органига ҳисобдан чиқариш тўғрисида мазкур Низомнинг 4-иловасига** мувофиқ шаклда ариза тақдим этади.

Бунда, биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

12. Солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш қуйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

Солиқ кодексига белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган ва солиқ қарзи мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат солиқ қўмитасига электрон шаклда юборилган ахборот асосида биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларнинг банк ҳисобварақлари ёпилганлиги тасдиқланганда.

13. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш солиқ органлари томонидан ариза берилган кундан эътиборан уч иш кунини ичида амалга оширилади.


14. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар ҳисобдан чиқарилган кундан сўнг солиқ органлари томонидан мазкур Низомнинг 5-иловасига** мувофиқ шаклда маълумотнома тақдим этилади.

4-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Низомга 1–5-иловлар «СБХ»да чол этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотам» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

● ҲАР БИР БУХГАЛТЕР БИЛИШИ ЛОЗИМ



Май ойда «Norma» ўқув маркази 2020 йил учун обунани имтиёзли шартларда расмийлаштирган обуначилар учун фойда солиғи бўйича курс ўтказди. Курсни ўтказиш жараёнида тингловчиларда юзага келган саволларга «Norma» МЧЖ эксперти Наталья МЕМЕТОВА жавоб берди. Ушбу материалдан ўқувчиларимиз ҳам ўз саволларига жавоб топишлари ҳамда ундаги маълумотлардан фаолият юритишда фойдаланишлари мумкин.

Елена Гродзинская:

Ташкилот чакана ва улгуржи электрон савдо билан шуғулланади, кўриш қобилиятини аниқлаш бўйича шифокорлик хизматларини кўрсатади ҳамда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Даромадларни қандай тўғри ҳисобга олиш мумкин?

– Ташкилотнинг бир нечта фаолият турини амалга ошираётганлиги сабабли даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини мутаносиб усул ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули ёрдамида юритиш лозим (СК 80-м.). Қўлланилаётган усул ҳисоб сиёсатида акс эттирилади.

Турли солиқ ставкаларининг қўлланилиши алоҳида-алоҳида ҳисобга олишни такозо этади.

Жорий ҳисобот (солиқ) даври якунларига бўйича бундай фаолият турларидан олинган даромадлар жами даромаднинг 90%ини ташкил этган тақдирда, Электрон тижорат субъектлари миллий реестрига киритилган, товарлар (хизматлар) электрон савдосини амалга оширадиган корхоналар томонидан 7,5%лик ставка қўлланилади.

Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали сотишдан олган даромадлари умумий сотилган товарлар (хизматлар) ҳажмининг камида

80%ини ташкил этувчи, шу жумладан электрон тижоратда электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни саклаш хизматларини кўрсатувчи субъектлар киритилади (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарорнинг 8-банди).

Электрон тижорат – ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси (Қоидаларнинг 7-банди, ВМнинг 2.06.2016 йилдаги 185-сон қарорига 1-илова).

Кўриш қобилиятини аниқлаш бўйича шифокорлик хизматлари тегишли лицензияга асосан тиббий муассасалар томонидан кўрсатилса тиббий хизматларга киритилади.

Тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар бепул олинган мол-мулкни ҳисобга олган ҳолда жами йиллик даромадининг камида 90 фоизини ташкил этса, ташкилотнинг ижтимоий соҳада фаолиятини амалга оширувчи субъект деб эътироф этилади (СК 59-м.). Ташкилотнинг ижтимоий соҳада фаолият юритувчи субъект мезонларига мувофиқ келганда фойда солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш мумкин.

Электрон тижорат ва ижтимоий соҳа субъектлари учун белгиланган мезонларга риоя этилмаганда, 15%лик ставка қўлланилади.



Гули:

Корхона қўшимча ишлаб чиқариш учун асосий восита сотиб олган, бироқ харажатлар йўқлиги сабабли АВдан ҳанузгача фойдаланилмаган. АВга амортизация ҳисоблаш лозими? Ҳисоблаш керак бўлса, амортизация чегириладиган харажат ҳисобланадими?

– Ҳўжалик фаолиятини юритишда узок муддат мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий функцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун сакланаётган бўлса, асосий восита деб эътироф этилади (5-сон БҲМСнинг 3-банди).

Бундай бўлмаса ва сиз объектни сотадиган бўлсангиз, у товар сифатида таснифланади (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМС).

Ишлаб чиқаришда ундан фойдаланганингизда, амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан фойдаланишни тавсия этамиз, бунда амортизация суммаси ишлаб чиқариш ҳажмига

12-бетда

ОММАВИЙ ОФЕРТА

да, Обуначи наشريларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан наشريлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ун) календардан кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Тахририят наشريлар чиқарилишига қараб ҳар ой якуни бўйича Обуначига электрон хисоббарак-фактура тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон хисоббарак-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календар кун мобайнида тасдиқлаши шарт.

12. Акцепт муддати 2020 йил 25 декабргача қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли наشريларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олманган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган ҳақуқдош тўловчи воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошлангичи оқибатда юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.

16. Форс-мажор ҳолатларининг бошлангичлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этишлари. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал этилади.

18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати – 2020 йил 25 декабргача.

19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Norma Davry Nashlari» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Тагилмаржон кўча, 1/1
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,
Навоий кўча, 22

Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.
Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкида
МФО 00842

СТІР 305504530, ИФУТ 58130
КҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди:
326010039431.

Тел./факс (371) 147-11-72.

Баҳодир КАЮМОВ,
«NORMA DAVRY NASHLARI»
МЧЖ директори.

1. «NORMA DAVRY NASHLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилган, мазкур тақлиф билан Тошкент шаҳри ёки республика миқталақларида жойлашган (истикомат қиладиган), қўйида тақлиф қилинаётган шартларни тўғридан-тўғри (ўзи танла-ган наشريларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилиши билдирилган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий офертга шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бу-дан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринлар-да биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қа-бул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тузиладиган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептини (бундан кейин – Акцепт) жўнатиш йўли билан мазкур омма-вий офертга шартлари бўйича обуна бўлишга розили-ни ҳақда Тахририятни хабардор қилади. Акцепт-нинг барча устуллари тўлиқ, қисқартирилмасиз, аниқ-равшан, босма харфлар билан тузилиши керак. Акцепт (78) 147-11-72 факси, obuna@norma.uz электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Тахри-риятга Тошкент ш. Навоий кўчаси, 22-уй манзи-ли бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.
3. Тахририят 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган наشريларга (Обуначининг танловига кўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни рас-мийлантириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга ки-ради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қиймати мазкур Шартнома-нинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабр-дан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят хисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланган тақ-дирда тутилган тартибда пул маблағлари келиб туш-ганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Ак-цепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади).

7. Тахририятнинг хисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан на-зарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб туш-ганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Ак-цепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлими орқали респуб-лика доирасида Обуначига у томонидан Акцепт-да мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган наشريларни навабдаги сон чикши би-лан кўрсатилган манзил бўйича етказиб бериш-ни ташкил қилади.

9. Наشريлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб бе-рилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бў-лимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан наشريлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ун) календар кундан кечиктирмай бу ҳақда Тах-ририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгартган тақдир-

11-бетда

ҲАР БИР БУХГАЛТЕР БИЛИШИ ЛОЗИМ

боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш мавжуд бўлмаганда амортизация ҳисобланмайди. Қўлланадиган амортизация усули ҳисоб сиёсатида акс эттирилади.

Амортизация ҳисоблашда СК 306-моддада белгиланган нормалар ортиқча ҳисобланган сумма чегириладиган харажат ҳисобланади.

Марина Маслова:

? *Мажбуриятларни ва учинчи тарафга қарз берилишини қандай ҳисобдан чиқариш мумкин? Мазкур ҳолатларда фойда солиғи қандай аниқланади?*

– Мажбуриятлар қуйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилади:

- даъво муддати – 3 йил тугагач (ФК 150-м.);
- суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарори бўйича.

Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган мажбуриятлар – қуйидаги турли сабабларга кўра сўндирилмаган қарзлардир:

- етказиб берувчилар, пудратчилар, харидорлар олдидаги кредиторлик қарзлари. Масалан, кредитор тугатилганлиги, шартнома томонлари ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича ушбу шартнома шартларига мувофиқ, корхонанинг тўловчи қобилиятсизлиги ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин;
- тўланмаган иш ҳақи ёки бошқа ҳисобланмалар, масалан, ходим ишдан бўшатилганда ва у билан алоқа йўқолганда тўланмай қол-

ган тўловлар бўйича ходимлар олдидаги депонентлик қарзлари.

Даъво муддати тугагач ёки суднинг қарори мавжуд бўлганда қарзни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги буйруқ ёки фармойишни расмийлаштиринг, унинг асосида қуйидаги проводкалар орқали даромадни акс эттиринг:

Қарзларни ҳисобга олувчи счётлар дебети 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» счёт кредити.

Ҳисобдан чиқарилган қарз суммасини Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ томони) дан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1-«Жами даромад» иловасининг 090-«Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан даромад» сатрида акс эттиринг.

Кредиторнинг розилиғи билан қарз учинчи шахсга ўтказилганда қарзни бошқага ўтказиш шартномаси расмийлаштирилади (ФК 322-м.).

Қарз учинчи шахсга бегараз ўтказилганда сизда қарзни бериш пайтида қарз суммасига тенг даромад юзага келади. Бу сиз учун қарзни ҳисобдан чиқаришдан даромад бўлади:

Қарзларни ҳисобга олувчи счётлар дебети 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» счёт кредити.

Қарз суммасини тўлиқ тўлаш шarti билан қарз учинчи шахсга ўтказилганда, сизда фақат қарздор ўзгаради. Мазкур операция даромадлар ёки харажатлар эътироф этилишига олиб келмайди:

Қарзларни ҳисобга олувчи счётлар дебети. Субконто – 1-қарздор

Қарзларни ҳисобга олувчи счётлар кредити. Субконто – 2-қарздор.

Қарзнинг тўлиқ суммаси тўланмаган шaroитда сўндирилмаган қарз суммаси қисми даромад деб эътироф этилади. Бунда бухгалтерия ҳисобида сумманинг бир қисmini бошқа қарздорга ўтказасиз, сўндирилмаган қисmini эса 9360-счётда акс эттирасиз ва даромадга киритасиз.

Даромадни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 1-илованинг 090-сатрида акс эттиринг.

Наргиза Юсупхўжаева:

? *Президентнинг 26.02.2010 йилдаги ПҚ-1292-сон қарорининг 5-бандига кўра фойда солиғи, ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани ва «Ижод» фондида йўналтирилмаган бюджетдан ташқари пул маблағларини камайтириш тарзидаги имтиёзга эғамиз, унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган. Ушбу имтиёз сақланиб қолганми?*

– Нашриёт ва матбаа корхоналарининг босма махсулотларни реализация қилишдан, шунингдек босма махсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган тахрир, матбаа ва ноширлик хизматларини кўрсатишдан келиб тушган тушумдан Ўзбекистон ёзувчилар уюм-маси ҳузуридаги «Ижод» фондида ажратмалари фойда солиғи бўйича солиқ базасини камайтирадилар (26.02.2010 йилдаги ПҚ-1292-сон қарорнинг 5-банди).

Айни пайтда қарор амал қилаётганлиги сабабли имтиёз ҳам амал қилмоқда.

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2020 йил « ____ » ____

«Норта Даву» Nashlari» МЧЖ оммавий офертасига ИЛОВА

1.

(Областнинг ташқи ўқувчилари ва давлат рўйхатдан ўтказилган ўқувчиларнинг шартли рақамли кўрсаткичи бўлиб қолади)

(Қўзғалди (қўзғалди) шартномаси, ушбу, шарт ва б. шартномаси)

асосида амал қилувчи

ТИМСОЛИДА,

(Областнинг ташқи ўқувчилари ва давлат рўйхатдан ўтказилган ўқувчиларнинг шартли рақамли кўрсаткичи бўлиб қолади)

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 7 июлдаги 27 (1351)-сонига эълон қилинган оммавий офорта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида мавжуд қилди ҳамда 2021 йил учун қуйидаги наشريётга обунга бўлади:

Индекс	Наشريёт номи	2021 йил учун обунга нархи (тўлов ҳудудини МҲҲҲМММ)	Нусхадор миқдори (донг)	Ушбу суммани (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма масалаҳатчи» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
197	«Норма масалаҳатчи» аккредитованн газетаси (йилга 52 сон)	1,2		
172	«Налоговые и таможенные вестни» ва «Норма» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
165	«Налоговые и таможенные вестни» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
173	«Норма» аккредитованн-хушхуш газетаси (йилга 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан

(бухгалтер ва ёки бошқа кўрсаткичи)

сўмини ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзили (босма хабарлар билан аниқ қилиб тўндирилади):

Почта индекси					
---------------	--	--	--	--	--

Мингтақа/Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

(Ишхона, кўрсаткич, қўзғалди, қўзғалди, қўзғалди, қўзғалди, қўзғалди)

Мўлжал

4. Боғланш учун телефон:

5. Алоқа боғловчи шахс:

(Ф.И.Ш.)

ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТПР _____
ИФУТ _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____
Почта манзили _____
Телефон _____
Факс _____
Хўр _____
Хизмат кўрсатувчи банк _____
Банк коди _____

(ваколатли мансабдор шахс имзаси, тўлиқ фамилияси,

исти ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.У.



НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ФҲШ БЎЙИЧА ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШ

? Хорижий фармацевтика компанияси ваколатхонаси (ДМни ташкил этмаган ҳолда) хорижлик жисмоний шахсларини конференцияларда иштирок этиши учун жалб этади. Конференциялар мажбурий тарзда интернет-трансляция орқали ўтказилади. Келгусида профессорлар, олимлар, шифокорларнинг ЎзРга келиб шахсан иштирок этиши назарда тутилмоқда. Улар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузилади. Олимлар жалб этиладиган мамлакатлар асосан Россия, Украина, Беларусь ва Ўзбекистон билан иккиёқлама солиш солишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузган бошқа давлатлардир.

ЎзРдаги хорижий ваколатхонада хорижлик жисмоний шахсларга даромад (гонорар) тўлаш бўйича ЖШДС, ижтимоий солиқ ва ҚҚС қисмида қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

Шартнома мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ уларнинг ЎзР ҳудудида бўлишига оид харажатлар борасида қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган, Ўзбекистондаги манбалардан даромад оладиган жисмоний шахслар ЖШДС тўловчилари деб эътироф этилади. Норезидент ҳисобланган жисмоний шахслар томонидан ЎзРдаги манбалардан олинган даромадларга солиқ агентлари томонидан солиқ базасидан ва 20%лик белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ солинади (СК 364-м., 382-м., 388-м. 3-қ.).

Иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги халқаро шартномаларда даромад тўлов манбаида ЖШДС солишдан озод этилиши ёки пасайтирилган ставкаларда солиқ солиниши назарда тутилган бўлса, мазкур нормалар резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган кундан кечиктирмасдан қўлланилади (СК 357-м.). Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатга қўйилadиган талаблар СК 358-моддасида белгиланган.

Ваколатхона ФҲШ шартларида кўра хорижлик ходимларнинг яшаши ва йўл ҳақини тўладиган бўлса, бундай тўлов норезидент ҳисобланган жисмоний шахслар учун моддий наф тарзидаги даромад деб эътироф этилади (СК 376-м.). Унга ЖШДС солинади.

Бунда ваколатхона етказиб берувчилар билан тузилган бевосита шартномалар бўйича ушбу харажатларни уларга эмас, балки жисмоний шахслар-норезидентларга пул маблағлари билан қоплаб берадиган бўлса, уларга тегишли солиқ оқибатларини келтириб чиқарадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга тенглаштириладиган ФҲШ бўйича тўлов сифатида қаралади.

Ижтимоий солиқ

Чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ижтимоий солиқни тўловчилар ҳисобланади. Шу жумладан тузилган ФҲШ бўйича жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари солиқ базаси ҳисобланади. Ижтимоий солиқ ставкаси 12% миқдориди белгиланган (СК 402-м., 404-м. 1-қ., 371-м. 2-қ.).

Қўшилган қиймат солиғи

Норезидент-жисмоний шахслар ушбу солиқ бўйича тўлов манбаида солиқ солиш мақсадларида ҚҚС тўловчи ҳисобланмайдилар, шу сабабли бундай даромадлар ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади (СК 237-м.).

Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ИЖТИМОЙ СОЛИҚНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАШ

Ўзбекистон фуқароси хорижий давлатнинг элчихонасида ишлайди. Элчихона ходимнинг даромадларидан ЖШДСни тўламайди. Ходим йил якунлари бўйича солиқ инспекциясига декларация топширади ва ўзи ЖШДСни тўлаб боради. Пенсияни расмийлаштириши учун ижтимоий солиқ тўланган бўлиши керак.

Хорижий давлат элчихонаси ходими қандай қилиб ижтимоий солиқни тўлайди?

Хорижий давлатлар элчихоналари ижтимоий солиқ тўловчилари бўлиб ҳисобланмайдилар (СК 402-м.).

Хорижий давлат элчихонасида ишловчи ЎзР фуқароси ижтимоий солиқни жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммаси-

дан келиб чиққан ҳолда ижтимоий солиқ асосда тўлайди. Бунинг учун у жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда солиқни ижтимоий равишда тўлаш ҳақида ариза беради. Ижтимоий солиқ декларация асосида ЖШДС тўлаш муддатларида тўланади (СК 409-м.).

ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛИ: АНИҚЛАШТИРУВЧИ ҲИСОБ-КИТОБ

? Корхонанинг ҳисоб сиёсатида ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасини аниқлашнинг алоҳида-алоҳида усули танланган. 2019 йил январь ойи учун ҚҚС ҳисоб-китобида 3-иловани тўлдиршида my.soliq.uz сайтидаги дастур автоматик тарзда мутаносиб усулни танланади ва ҚҚСни ҳисобга олди. Корхона бу хатоликни аниқлаб, Аниқлаштирилган ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этди. 2019 йил мобайнида корхона алоҳида-алоҳида усулни қўллаган ҳолда ҚҚСни ҳисобга олган ва тегишли Ҳисоб-китобни топширган. Туман солиқ инспекцияси камерал текширув чоғида 2019 йил январь ойи учун топширилган дастлабки ҳисобот сингари мутаносиб усулни қўллаган ҳолда 2019 йил учун ҚҚС ҳисоб-китобини қайта топширишни талаб қилган.

Ҳисоб сиёсатида алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш усули белгиланган ҳамда у акс эттирилган аниқлаштирувчи ҳисоб-китоблар тақдим этиб бўлинган тақдирда, солиқ органининг ҚҚСни ҳисобга олишнинг мутаносиб усулини қўллаш тўғрисидаги талаби тўғрими?

– 2007 йилги тахрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ 2019 йилда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммаси солиқ тўловчининг танловига кўра алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади. Танланган усул корхонанинг ҳисоб сиёсатида қайд этилади ва календарь йил давомида ўзгартirilмайди (2007 йилги тахрирдаги СК 42-м., 221-м. 4-қ.).

2019 йил январь ойи учун корхона томонидан ҚҚСни ҳисобга олишнинг мутаносиб усули қўлланилган ҚҚС ҳисоб-китоби топширилиши хато бўлган (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Кейинчалик хатолик мустақил равишда аниқланган ва 2007 йилги тахрирдаги СК 46-моддасига мувофиқ аниқлаштирилган ҚҚС ҳисоб-китоби тақдим этилиб хато тузатирилган. Аниқлаштирилган Ҳисоб-китобда, айнан Қўшилган қиймат солиғини тўловчи тўғрисидаги маълумотларда «Ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси аниқлаш усули» сатрида (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) корхона мутаносиб усулни «1» белгисини бел-

гиланган ҳолда алоҳида-алоҳида усулга ўзгартирган.

Шундай қилинган тақдирда:

- 2019 йил мобайнида корхона томонидан ҳисоб сиёсатида ва ҚҚС бўйича солиқ ҳисоб-китобларида акс эттирилган алоҳида-алоҳида усулга мувофиқ ҚҚСни ҳисобга олиши лозим эди;

- солиқ инспекцияси хатоликка йўл қўйилган ҚҚС ҳисоб-китоби мазкур усулда тақдим этилганидан келиб чиқиб, ҚҚСни ҳисобга олишнинг мутаносиб усулини қўллаган ҳолда 2019 йил учун ҚҚС бўйича ҳисоботни қайта топширишни талаб қилишга ҳақли эмас;

- корхона ушбу талабга жавоб ёзиши ҳамда солиқ инспекциясига 2019 йилда танланган ҚҚСни ҳисобга олиш усули кўрсатилган ҳисоб сиёсатини тақдим этиши лозим;

- шунингдек ДСИга сиз топширган аниқлаштирилган ҚҚС ҳисоб-китобида Қўшилган қиймат солиғини тўловчи тўғрисидаги маълумотларда «Ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси аниқлаш усули» сатрида алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш усулига ўзгартиранингизни кўрсатишингиз лозим.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИДА МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРИЛАДИ

II чорак муайян сабабларга кўра бироз мураккаброқ бўлди. Хўжалик фаолияти тўхтатилган шароитда кўпгина корхоналарнинг ходимлари ҳақ тўлашмайдиган таътилга чиқишга мажбур бўлдилар. Корхоналар мазкур даврда ўз ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга турли моддий ёрдамларни кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Мазкур тўловлар фойда солигини ҳисоблашда қандай ҳисобга олиниши лозимлигини «Nogma» компанияси эксперти Миржалол МИРФАЙЗОВ тushунтириб бери:

– Моддий ёрдамнинг айрим турлари чегирилмайдиган харажатларга, айрим турлари эса чегириладиган харажатларга киритилади.

Т/р	Моддий ёрдам	Чегирилади (ҳа), чегирилмайди (йўқ)	Асос
1	Ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлиги билан боғлиқ ҳолда	Ҳа	СК 377-м. 10-б.
2	Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан	Ҳа	
3	Бола туғилиши муносабати билан	Йўқ	
4	Ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан	Йўқ	СК 317-м. 6-б.
5	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзида	Йўқ	

Чегирилмайдиган моддий ёрдамни (Жадвалнинг 3–5-бандлари) Фойда солиғи ҳисоб-китобида 2-илованнинг 0120-сатрида акс эттиринг.

Санаб ўтилган моддий ёрдам турларидан ташқари Солиқ кодексига қуйидаги ҳолатларда тўлов тўланиши назарда тутилган:

• фавқулодда ҳолатлар муносабати билан (СК 369-м. 2-қ. 3-б.). Бундай моддий ёрдам жисмоний шахснинг

даромади ҳисобланади. Коронавирус билан боғлиқ ҳолатлар фавқулодда ҳолат деб баҳоланмаган;

• бошқа ҳолатларда. Масалан, таътил, туғилган кун, даволаниш, таъмирлаш, набирасининг никоҳ тўйи муносабати билан тўланадиган тўловлар. Улар ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадига киритилади (СК 372-м. 4-б.).

Моддий ёрдамнинг бундай турлари СКнинг 317-моддаси 6-бандига

киритилмаган, бироқ бу улар сўзсиз солиқ базасидан чегириб ташланишини англатмайди.

Фақат иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатларни чегириб ташлаш мумкин (СК 305-м. 2-3-қисмлар):

- даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- конун ҳужжатларининг қондарида келиб чиқса.

Харажатлар ушбу шартлардан ҳеч бирига мувофиқ келмайдиган бўлса, чегирилмайдиган харажат ҳисобланади.

Моддий ёрдамнинг турларини иқтисодий жиҳатдан асослаш учун уларнинг рўйхатини жамоа шартномасида акс эттиринг.

МИСОЛ. Моддий ёрдамни Фойда солиғи ҳисоб-китобида акс эттириши

Корхона ҳисобот даврида ходимларга қуйидаги моддий ёрдам турлари бўйича тўловларни ҳисоблади:

- таътилга (СК 372-м. 4-б.) – 9 000 минг сўм;
- ходимнинг меҳнатда майиб бўлганлиги муносабати билан (СК 377-м. 10-б.) – 5 500 минг сўм;

• бола туғилганлиги муносабати билан (СК 377-м. 10-б.) – 3 000 минг сўм;

• қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиб олишга (СК 377-м. 10-б.) – 12 000 минг сўм.

15 000 минг сўм (3 000 + 12 000) миқдоридаги моддий ёрдам чегириб ташланмайди.

Ҳисоб-китобга 2-илованнинг 0120-сатрида қуйидаги суммаларни акс эттирамиз:

- 3-устунда – 15 000 минг сўм;
- 4-устунда – 15 000 минг сўм.

Таътилга моддий ёрдам тўланиши жамоа шартномасида назарда тутилган. Бу – рағбатлантирувчи тусдаги тўлов бўлиб, ходимларни ўз мажбуриятларини сифатли равишда бажариши учун асос тариқасида хизмат қилади, ўз навбатида, корхона фаолиятининг якуний натижасига таъсир кўрсатади.

Таътил муносабати билан бериладиган 9 000 минг сўм миқдоридаги моддий ёрдам – иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажат. Шу боис корхона уни чегириладиган харажатларга киритади ва меҳнат ҳақ тўлаш тарзидаги даромад сифатида Ҳисоб-китобга 2-илованнинг 0105-сатрида 3-устунда акс эттиради.

Ходимнинг меҳнатда майиб бўлганлиги муносабати билан бериладиган 5 500 минг сўм миқдоридаги моддий ёрдам – конун ҳужжатлари нормаларидан келиб чиқиши сабабли бу ҳам чегириладиган харажат. У меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритилмайди, шу сабабли корхона уни Ҳисоб-китобга 2-илованнинг 01341–0134...-сатрларида 3-устунда харажат турини кўрсатган ҳолда акс эттиради.

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБ-ФАКТУРА: НИМАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИШ КЕРАК ВА КИМ НИМАГА МАСЪУЛ

✓ ҚАРОР ВА ИЖРО

Жорий йил 1 январдан бошлаб, хўжалик юриш субъектлар фаолиятига электрон ҳисоб-фактуралар (ЭХФ) тизими мажбурий тартибда жорий этилаётганидан яхши хабардорсиз. Айни вақтда 203 мингдан зиёд юридик шахс ва 40 мингдан ортик яқка тартибдаги тадбиркор бу тизимдан фойдаланиб келмоқда. Аммо ҳалигача ўз фаолиятида ҳисобварақ-фактураларнинг қоғоз шаклини қўллаётганлар ҳам йўқ эмас.

Тўғри, кўп сонли солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб операторларига улаш зарурати туфайли Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июлга қадар ушбу тартибни бузганлик учун солиқ органлари томонидан жавобгарлик чоралари қўлланмаслигини маълум қилган эди. Бу фурсат ҳам якунига етди.

Аслида эса мазкур тизимдан фойдаланишга ўтиш учун қандайдир муддатни кутиш ёки шунчаки масъулиятсизлик қилишдан ҳеч қандай маъно йўқ эди. Чунки бу орада вақт, харажат ва қулайлик борасида ортикча йўқотиш-у оворагарчиликлар бўлгани аниқ ва бундан фақат тадбиркорлик субъектининг ўзи зиён кўрган бўлади, холос.

Эндиликда ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритмаслик маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Муддат тугади, лекин имконият ҳали бор. Бу ҳақда «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази мутахассиси Фарҳод ДЎСТМУХАМЕДОВ қуйидагиларни маълум қилди.

– ЭХФдан фойдаланишга ўтишдан аввал тизим иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш лозим. Бу ўзaro ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда батафсил акс этган, – деди Ф.Дўстмухамедов. – Унга кўра, ушбу тизим иштирокчилари ўз хоҳишига кўра операторни эркин танлаш, ЭХФ айланиш тизимида ҳисобварақ-фактураларни шакллантириш йўли билан товарларни (ишлар, хизматларни) реализация ёки харид қилиш каби ҳуқуқларга эга. Шунингдек, ЭХФ айланиш тизимидаги носозликлар бўйича хизмат кўрсатувчи операторга мурожаат қилишга ҳақли.

Операторнинг оммавий офертасида кўрсатилган шартларни бажариш, ЭХФлар ва электрон хабарларни операторга сақлаш учун топшириш эса уларнинг асосий мажбуриятлари каторидан жой олган. ЭХФ фойдаланувчиси учун операторларнинг вазифа ва мажбуриятларини билиш ҳам муҳим. Оператор, энг аввало, ўз ахборот тизimini роуминг операторининг ахборот тизими-га боғлаган бўлиши зарур. Шунингдек, ўзининг

маълумотлар базасида тасдиқланган ЭХФларни камида 5 йил давомида сақланиши ва иштирокчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилиниши ҳамда ЭХФлар конфиденциаллигини таъминлаши шарт.

Операторга қўйиладиган мажбуриятлар орасида call-марказига ва ахборот технологиялари, молия, солиқ ёки бухгалтерия соҳаларида олий маълумот ҳамда камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган камида бир нафар мутахассисга эга бўлиши лозимлиги ҳам белгиланган. Айни вақтда шу каби вазифа ва мажбуриятлар асосида 18 ЭХФ оператори фаолият олиб бормоқда.

Нимани қандай бажариш ва қайси вазифалар учун қай бир томон масъул эканини батафсил билмай туриб, ЭХФ тизими имкониятларидан самарали фойдаланиш қийин. Бу борада Давлат солиқ қўмитаси томонидан операторлар мақоми берилган «Soliqservis» ДУК мисолида янги ҳисобварақ-фактура шакллари ҳамда ишончнома, товар транспорт юкхати, акт ва бошқа ўзгаришлар тўғрисида қўлланмадан фойдаланиш қўл келади. Мазкур қўлланмани эса soliq.uz ёки ЭХФ rouming.uz сайтларидан юклаб олиш мумкин.

Тизимнинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифаларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажариши ЭХФларнинг қулайлик, тезкорлик, хавфсизлик каби сифатларига ишончининг асосий қафолатидир.

ЎЗА.

ПОЧТА КЎТИСИ

ЮК АВТОМОБИЛИ ИМПОРТ КИЛИНГАНДА ИМТИЁЗЛАР

? Юк транспорти олиб кирилганда божхона имтиёзлари тақдим этиладими?

– 2022 йил 1 январга қадар ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8701 20, 8704 21 (рефрижераторлар), 8704 22, 8704 23 (самосваллардан ташка-

ри), 8716 31, 8716 39) ва авиация ёки қилинган божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинган (6.03.2019 йилдаги ПҚ-4230-сон қарорнинг 9-б.).

ИХТИЁРИЙ СЕРТИФИКАТЛАШ

? Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилганда гигиеник сертификат олиш мажбурийми?

– Экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади (ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорнинг 1-б.).

Маълумот учун. Худди шу хўжасат билан Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати (1-илова) ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низоми (3-илова) тасдиқланган.

ТАРИФ ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРИ

? Импорт қилаётганда божхона қийматини белгилаш учун коронавирус пандемияси муносабати билан эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимлар ва энг кўп қулайлик бериш режими асосида имтиёзларни бериш тартиби ўзгарганми-йўқми, билмоқчи эдик?

– ЎЗР Божхона кодексига мувофиқ тариф преференциялари:

- божхона божларини тўлашдан озод этиш;
- божхона божлари ставкаларини камайтириш;
- муайян давлатларда ишлаб чиқарилган товарларни божхона ҳудудига преференциал олиб кириш;
- ушбу ҳудуддан преференциал олиб чиқишда квоталар белгилаш тарзида берилади (БК 300-м.).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қуйидаги товарларга нисбатан божхона божлари қўлланилмайди:

- ЎЗР билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки республика эркин савдо режимини белгиллаган давлатларда ишлаб чиқарилган ва ушбу давлатлардан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга;
- ЎЗРда ишлаб чиқарилган ва унинг божхона ҳудудидан Ўзбекистон билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки ЎЗР эркин савдо режимини белгиллаган давлатларга олиб чиқилган товарларга.

Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридаги божхона божлари ЎЗР савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъи назар қўлланилади.

Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларининг ставкалари икки барабар оширилади.

Эркин савдо режими

Ўзбекистон Республикаси билан МДХ мамлакатлари ўртасида 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённома (Минск, 2013 йил 31 май) имзоланган.

Баённома Ўзбекистонни МДХ доирасида ҳамкорликка янада фаол жалб этиш, шунингдек Божхона иттифоқида аъзо иштирокчи давлатларнинг савдо режимларини Ўзбекистон



тон билан бирхиллаштириш учун ишлаб чиқилган. Баённоманинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ўртасидаги савдоларда эркин савдо режимидан импорт ундирувларни қўллаш назарда тутилмаган. Яъни ўзаро етказиб беришларда барча турдаги товарларга нисбатан импорт божхона божлари ундирилмайди.

Баённомада 2020 йилнинг 31 декабрига қадар бўлган даврда ёки Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлгунча (бу саналарнинг қайси бири аввал келишига кўра) Ўзбекистон ва шартнома тарафлари Тарифлар ва савдо бўйича бош келишувнинг (30.10.1947 йил, ТСББ 1947) III моддасига биноан ўзаро савдода миллий режимни тақдим этиш бўйича мажбуриятлардан озод этилганлиги назарда тутилади. Низоли масалаларни икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал этиш қоидаси ҳам сақлаб қолинган.

Товарлар келиб чиққан мамлакатни аниқлашда шартнома тарафлари ва Ўзбекистон ўртасида Товарлар келиб чиққан мамлакатни белгилаш тўғрисидаги қоидалар (МДХ ҳужжатларининг 24.09.1993 йилдаги қарори билан тасдиқланган) қўлланилади. Бунда агар тарафлар рози бўлса, келиб чиқиш қоидаларига доир бошқа шартномалар қўлланилиши ҳам мумкин.

Баённомага 1-иловада товарларнинг импорти ва экспортига нисбатан қўлланиладиган божхона божлари белгиланган. Баённома доирасида Ўзбекистон Республикаси Баённомани имзолаган тарафлар божхона ҳудудидан чиққан товарлар импортида божхона божларини қўлламайди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Баённома тарафларининг божхона ҳудудлари учун мўлжаллан-

ган товарлар экспорт қилинган тақдирда ҳам божхона божларини қўлламайди.

Энг кўп қулайлик бериш режими

Энг қулай савдо-сотиқ тартибини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига (АВ томонидан 8.04.1998 йилда 426-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Австрия, Бангладеш, Бельгия, Болгария, Бразилия, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Дания, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Ирландия, Испания, Италия, Иордания, Кипр, Корея, Хитой, Латвия, Литва, Мальта, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Покистон, Польша, Словения, Руминия, Словакия, Сингапур, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония, Саудия Арабистони, Малайзия кирган.

Бунда Сингапур Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича тариф преференциялари фақат алоҳида товарларга нисбатан тақдим этилади. Уларнинг Рўйхати – Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Сингапур Республикаси Хукумати ўртасидаги иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Битимнинг фақат А-илосида кўрсатилган товарларга нисбатан алоҳида халқаро шартнома билан тасдиқланган (Сингапур, 25.01.2007 йил).

Диққат! Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Эрон Ислам Республикаси Хукумати ўртасида ўзаро савдо имтиёзлари тўғрисида 2003 йил 17 июндаги Аҳдлашув Меморандумига Ижро баённомаси (Тошкент, 4.01.2005 йил) 2020 йил 16 мартда ўз қучини йўқотди.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

БОЖНИ БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ

? Бухоро вилоятилик туроператорларга автомобилларни божхона божининг ярим ставкасини тўлаган ҳолда импорт қилишга қайси ҳужжат билан рухсат этилган?

— Президентнинг «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига катъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қа-

рори (19.06.2020 йилдаги 4755-сон) 13-бандига кўра, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинган туроператорларга, истисно тариқасида, транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона бо-

жини амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдоридан тўлашга рухсат этилади. Мазкур шарт ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш учун двигател ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспортга нисбатан татбиқ этилади. Тўловнинг қолган қисми транспорт воситаси олиб қирилган санадан бошлаб 3 йил давомида тўланади.



Ушбу транспорт воситаларига давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгиларининг алоҳида сериялари берилди. Улардан тегишinchа фақат Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида фойдаланишга рухсат этилади.

СЕРТИФИКАТЛАШ РАСМИЯТЧИЛИКЛАРИ

? Товарлар импорт қилинганда мажбурий сертификатлашдан ўтишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Ушбу тартиб-таомилни ўтказишга қанча вақт кетади?

— Товарларни сертификатлаштиришга тайёрлаш ва ўтказишга умумий талаблар Махсулотларни сертификатлаш қоидалари (АВ томонидан 18.03.2005 йилда 1458-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Қоидаларда Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш Миллий тизимида республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган, махсулотни, шу жумладан дастурий ва бошқа илмий-техникавий махсулотларни сертификатлаш тартиб-таомиллари белгиланган.

Маълумот учун. Божхона расмийлаштирувида божхона органи мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини, шунингдек, мувофиқлик сертификатида кўрсатилган товарнинг номини ҳақиқатда олиб келинган товарнинг номи билан текширади.

Ҳужжатлар

Сертификатлашни ташкил қилиш ва ўтказиш ишлари «Ўзстандарт» агентлигида аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади. Четдан келтириладиган махсулотларни сертификатлаштириш тартиб-таомилларининг навбатчилиги Махсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низоом (ВМнинг 6.07.2004 йилдаги 318-қарорида 1-илова) билан белгиланади. Мазкур Низоомнинг амал қилиши мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришга татбиқ этилади. Ариза берувчи сертификатлаштириш органини мустақил танлайди.

Четдан келтириладиган махсулотни сертификатлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- ишлаб чиқариладиган махсулотга меъёрий ҳужжат (МХ) нусхаси (амалда бор бўлган тақдирда);
- махсулот ёрлигидан намуна ёки махсулот тўғрисида маълумот;
- махсулотнинг ЎЗР божхонаси ҳудудига келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарга қўшиб

жўнатиладиган ҳужжат нусхаси (товар-транспорт юкхати, инвойс, ҳисобварақ-фактура);

- амалда бор бўлган тақдирда, давлат санитария нazorати идорасининг лабораториясида ўтказилган синовларнинг натижаларини ўз ичига олган санитария-эпидемиология хулосаси ва синов баённомалари, МХда белгиланган бошқа талаблар (ветеринария ва фитосанитария хулосалари, экологик экспертиза);

- олиб қирилаётган махсулотнинг аниқ ҳажми (соли) кўрсатилган ташқи савдо шартномаси (контракти) ва махсулотни етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи ўртасида тузилган келишув(лар) нусхаси (махсулотлар 7А чизмаси асосида сертификатлаштирилганда).

Агар аризачи аниқ вақтда санитария-эпидемиология хулосаси ва мувофиқлик сертификатни олишга ариза тақдим этган бўлса, бундай ҳолда синов баённомалари билан санитария-эпидемиология хулосаси нусхаси уни белгиланган тартибда расмийлаштиригандан сўнг берилди.

Маълумот учун. Аризачи томонидан четдан келтирилган махсулотга зарур бўлган МХ ёки хавфсизлик бўйича техник тавсифлар тақдим этилмаса, мазкур махсулотни сертификатлаш ўқиши турдаги махсулот ҳужжатлари бўйича ёки идентификация қилиш орқали санитария-эпидемиология хулосаси асосида амалга оширилади.

Мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган, четдан келтирилган махсулотга республикада МХ мавжуд бўлмаган тақдирда, сифат кўрсаткичлари ва хавфсизлик бўйича сертификатлаш синовлари ўхшаш турдаги махсулотга бўлган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Сертификатлаштириш тартиб-таомили

Сертификатлаштириш, қоидага кўра, 2 босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич бир вақтнинг ўзидан, заруриятга кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария нazorати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария нazorати органларида санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштирилишини ўз ичига

олади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:

- санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларига мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;
- зарурат бўлганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария нazorати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Иккинчи босқич — сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификати беришдир.

Сертификатлаштириш органлари тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофиқ давлат санитария нazorати органларида, давлат ветеринария нazorати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида, шунингдек экология ва агроф мухитни муҳофаза қилиш давлат органларида сертификатлаштиришни ўтказиш ва барча зарур хулосаларни олиш юзасидан агентлик хизматлари кўрсатишга ҳақлидир.

Маълумот учун. Намуналар танлаб олинishi, шунингдек улар тўғри танланганлиги ва улар тегишли давлат органларига тақдим этилиши учун сертификатлаш органлари жавоб берадилар.

Махсулотнинг (транспорт воситаларидан ташқари) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати барча зарур ҳужжатлар (синов протоколлари, тадқиқот далолатномалари, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари, экологик экспертиза хулосаси) берилган вақтдан бошлаб 3 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Сертификатлаштириш органи этироф этиш тўғрисида битим тузилган МДХ мамлакатларидан ва узок хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган махсулотга сертификатларни этироф этиш ҳуқуқига эга.

Маълумот учун. Сертификатлаштириш бўйича ишлар ҳақини уларнинг натижасидан қатъи назар, ариза берувчи тўлайди.

Бунда ишлар олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг бошланади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

СОЛИК ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ © Молиявий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газета ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ	Нашр учун масъул — бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ Саҳифаловчи Равно ИСМАИЛОВА	МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz Газета ношир — «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терипди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» — 186, «НТБ» — 165. Қўғоз бичими — А3. Ҳажми — 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Бюрогма г-715. Адади 650. Газета 2020 йил 6 июль соат 16.30 да топширилди.	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Норма» АҚТ бўйича — (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.
--	--	---	--	---